

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
25 январь
ЧОРШАНБА
№ 8 (12956)

www.thtp.uz

МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал
маданият маркази ташкил этилганининг
25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи**

Қадри дўстлар!

Сизларни ва сизларнинг тимсолинғизда кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ сана — Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожланиб бораётганлиги билан янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топти.

Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити — тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги обрў-этиборини янада юксалтиришни энг муҳим омилидир. Биз барчамиз мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ана шу том маънодаги бебаҳо бойлигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамокда. Улар умумий ўйимиз — Ўзбекистонимиз равишга йўлда бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб боришмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ унавармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизга кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам бераётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёрқин тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик

муносабатларини мустаҳкамламоқда. МДХ давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистонда шундай тузилма ташкил этилгани эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида нодавлат ташкилотларнинг ноёб тизими шаклланишидан далолат беради. Ушбу ташкилотларнинг серқирра фаолияти мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-маърифий вазибаларни ҳал этиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари! Барчангизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик қучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам қалолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Бадий академияси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўплаб ташкилотлар, ўйлашмики, маданият ва маърифат, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларини янада қучайтириши зарур. Бу бугун бизнинг барчамиз учун ҳаётини муҳим вазифадир.

Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бўлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланганимиз кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жислигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Биз фақат шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи ғояларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин.

Биз ўзимиз учун энг муҳим бўлган ана шу масалага бундан буюм ҳам устувор аҳамият қаратамиз, жумладан, миллий маданий марказлар фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз.

Масалан, яқинда менга мослаштирилган биноларда жойлашган қатор марказларнинг бир гуруҳ фаоллари ўзларининг меҳнат шарафларини яхшилашга қўмаклашиш тўғрисида мувожаат қилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиз кўрқига кўрқ қўшиб турган, илгари "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятига тегишли бўлган Бобур кўчасидаги бинони Республика байналмилал маданият марказига беришни ва уни Дўстлик саройи деб номлашни тақлиф этаман. Биз мазкур бинони реконструкция қилиш ва унинг атрофини ободонлаштиришни кўзда тутадиган тегишли ҳукумат қарорини қабул қиламиз.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳукм сураётган ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини асраш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган маданият ходими"
Базарбаева Нуркул Алимбаевна — Навоий вилояти Конимех тумани қорақал-

поқ миллий маданий маркази фаоли, Конимех туманидаги "Жас тулек" ансамбли бадий раҳбари

"Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган ёшлар мураббийси"
Миронов Сергей Александрович — Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари

Юртимизда бағрикенглик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояла-

рига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Меҳнат шухрати" ордени билан
Муҳаммадиев Насриддин — Республика байналмилал маданият маркази директори

"Дўстлик" ордени билан
Абаев Аразмухаммет Аллабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли, Тўрткўл тумани "Мекан" газетаси бош муҳаррири

Давоми 2-бетда. ➡

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 январда қабул қилинган Фармонига мувофиқ Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари фахрий унвонлар, ордон ва медаллар билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 24 январь кун "Ўзбекистон" халқро анжуманлар саройида миллий маданий марказлар фаоллари билан учрашди.

Бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган, дўстлик, аҳиллик байрамига айланган ушбу айёмнинг Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таваллуд кунини арафасида ўтаётганида теран маъно муҳасам.

Буюк йўлбошимиз истиқлолнинг илк кунларидан тинчлик ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратди. Мустақиллигимиз эълон қилинган тарихий нутқида "Республикаимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакиллари билан конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишга солинадиганлиги"ни таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Тошкент шаҳар "Свитапанак" белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова, Тошкент вилояти қозоқ миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Динислам Канаев, Самарқанд вилояти немиш миллий маданий маркази раиси, Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Наталья Кайзер, Республика қирғиз миллий маданий маркази раиси Раҳматулла Жабборов тинчлик ва миллатлараро тотувлик барқарор юртимизда яшаш улкан бахт эканини, бу кун уларнинг қалбида бир умр муҳралиб қолганини таъкидлади, юксак эътибори ва ғам-хўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА муҳбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН СЕНАТ АЪЗОСИ САЙЛАНДИ



Шу йилнинг 21 январь кун Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларининг бўшаб қолган ўринига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшма мажлисда вилоят давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, фаоллар, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирини Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо Улуғбек Абдусаломов кириш сўзи билан очар экан, вилоятнинг қўлай гео-

график ўрни, бой табиий ресурслари ҳамда улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ҳақда тўхталди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига қўра, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати, Тошкент вилояти ҳокими Шукрулло Бобоев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланди.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ
XX СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 17-моддасига мувофиқ
ҚАРОР ҚИЛАМАН:
Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XX сессияси 2017 йил 26 январь кун Тўйтепа шаҳрида чақирилсин.

Вилоят
ҳокими
Ш. БАБАЕВ
2017 йил 24 январь

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Абдурахмон Тугизов билан суҳбатимиз ҳам вилоятимизда ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар, ҳудудий бирлашма томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳусусида бўлди.

– **Абдурахмон Абдурауфович, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш борасида вилоят ҳудудий бирлашмаси томонидан қандай таътилий тадбирлар амалга оширилмоқда?**

– Аввало, мамлакатимизда бу йўналишда олиб борилаётган изчил ишлар нафақат истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, балки сотилаётган маҳсулотлар сифатининг ҳар жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг қонун ҳимоясида олиниши бозор муносабатларини тартибга солиш, товар ва хизматлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим ўрин тутаяди.

Таъкидлаш керакки, бирлашмамиз томонидан ўтган 2016 йил мобайнида соҳага доир қонун, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда вилоят ҳокимиятининг тегишли бўйруқ ва қарорлари, шунингдек, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида асосий

фаолият йўналишлари бўйича бир қатор ҳуқуқий, ташкилий, маърифий тадбирлар амалга оширилди.

Бундай қўлмал ишлар бирлашма аъзолари ва жамоатчилик асосидаги назоратчилар сафининг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда ҳудудий бирлашманинг жойлардаги "Таянч гуруҳлари" сони 124 тага етди. Улардан 4 таси маҳаллаларда, 76 таси ўқув муассасаларида, 27 таси кор-

рожаатлар келиб тушади. Ҳолбуки, ушбу муассасалар зиммаларидаги бурч ва масъулиятни унутмасалар, фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммоларга ечим излаб юришмаган, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда ёрдам сўраб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига мурожаат қилишмаган бўлар эди.

Масалан, ўтган йили вилоят ҳудудий бирлашма ва туман,

рида йўл қўйилган камчиликлар эканлигини кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтилган мурожаатлар бўйича жойларда тегишли тартибда назорат тадбирлари ўтказилиб, истеъмолчиларнинг фойдасига 365 миллион 37 минг сўм миқдоридagi ундирув ижобий ҳал этиб берилди.

Бундан ташқари, вилоят, туман, шаҳар жамиятлари қосида ташкил этилган "Ҳуқуқий маслаҳат маркази"лари орқали

чи ўз ҳуқуқини яхши билиши ва ундан фойдалана олиши зарур. Аксарият ҳолларда, истеъмолчилар харид қилган маҳсулотни учун сотувчидан чек талаб қилишни, сифат сертификатини сўрашни унутади.

Бирлашмамиз томонидан ўтган давр мобайнида аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб этиш, фуқароларнинг истеъмол маданиятини

Кучли фуқаролик жамияти сари

зилмалари томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари – қонун ҳимоясида", "Ешларнинг ҳуқуқий онгини, истеъмол маданиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўрни", "Истеъмолчилар ҳуқуқлари – ҳақиқат ҳимояси", "Фуқароларнинг мурожаатлари ҳақида эъти-

насида ўтказилган тадбирда асосий эътибор, Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тарғиб қилиш, уларни ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишга қаратилди.

Умуман, 2016 йил мобайнида бу борада ҳудудий бирлашма ва унинг таркибий бўлималари томонидан 60 та ўқув семинари ҳамда 138 мартаба давра суҳбати ўтказилди.

Барчамизга маълумки, Президентимиз таклифи билан мамлакатимизда 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Бу барча давлат, нодавлат идоралари қатори Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Айни пайтда шундан келиб чиққан ҳолда комплекс чора-тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, Федерациянинг виртуал қабулхонаси иш бошлагани, шунингдек, www.istemol.uz сайти ҳамда фуқароларимиздан "1091 – Ишонч телефони" орқали ариза, таклиф ва шикоятлар қабул қилинаётгани истеъмолчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Юлдузхон МУҲИДИНОВА суҳбатлашди.



ўстириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурлар амалга оширилди. Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда доимий равишда маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва ўқув семинарлар ташкил этиб борилаётган.

Бирлашма ва унинг қуйи ту-

борда", "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва йўловчи ташишда истеъмолчиларга қулайликлар яратиш", "Пластик картончалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар: ютуқлар ва муаммолар" каби мавзуларда ўтказилаётган қатор ўқув семинар ҳамда давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Хусусан, бу йўналишда вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда Олмалиқ шаҳар "Сув-оқова" ишлаб чиқариш корхо-

Тошкент вилояти Адлия бошқармасида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, уларнинг муаммо ва тақлифларини тинглаб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар **"Очиқ эшиклар куни"** ўтказилади.

ТУЗАТИШ!

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 21 январь № 7 (12955) сонида "VIP-REAL ESTATE" МЧЖ томонидан берилган эълондаги "Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Э. Қовунчи ҚФЙ, Т. Жўрабеков кўчаси, 106-уйнинг томорқасида жойлашган иссиқхоналарнинг бошланғич баҳоси – 10 454 739 сўм" ўрнига "9 409 265 сўм", "6 951 722 сўм" ўрнига "6 256 549 сўм" деб ўқилсин. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz. Лицензия RR-0173.

Реклама ва эълонлар

Нодавлат нотижорат ташкилотлар диққатига!

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотининг мажбуриятларни кўрсатилган бўлиб, унга кўра рўйхатдан ўтказувчи адлия органига, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шартлиги белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сонли қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 47-бандига мувофиқ ҳар йили 1 февралгача – ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, шу жумладан, фаолиятни молиялаштириш манбалари ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги декларация, мавжуд аъзолар сони тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича тақдим этилади.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 28 февраль кунин соат 15.00 да мулк бошланғич баҳосининг босқичма-босқич оширилиши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

"MADINA OMAD AGRO" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чоштепа ҚФЙ ҳудуди бўйича 4,26 Га. ер майдони участкасида жойлашган, 1800 тул узум кўчати, 380 тул 8 см. диаметргача олма дарахти ва уларга бўлган ҳуқуқлар, бошланғич баҳоси – 10 100 000 сўм.

"ADOLAT MADAD NUR" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чоштепа ҚФЙ ҳудуди бўйича 4,58 Га. ер майдони участкасида жойлашган, 2100 тул узум кўчати, 300 тул 8 см. диаметргача гиолос дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар, бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм. Маъжур дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар сотилаётган қолган тақдирда тақририй аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси голиби мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 5

(беш) фоизи миқдоридан комиссиясиз йилги тўлаши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузилдирилган зақалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfBank" даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашадиган юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz. Лицензия RR 0173.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 08.08.2016 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Афзал Омад Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такролан қўйилмоқда: 1. "Газ 3110" русумли, давлат рақами K463AC190 бўлган, техник носоз автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 2 207 000 сўм. 2. "Нексия" русумли, техник носоз, автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 2 872 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 8 февраль соат 11.00

дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилиниши охириг мuddати: 2017 йил 6 февраль соат 18.00 гача.

Савдога Пискент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 4651-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани ИИБ ЙХХБ жараима майдонидан сақланаётган, "Orel" русумли, давлат белгиси 10W384KA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 7 120 170 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 23 февраль кунин соат 11.00 дан бошлаб ўткази-

лади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилиниши охириг мuddати: 2017 йил 21 февраль соат 18.00 гача.

Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойлашган қўйилмоқда. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" нинг АИКБ

"Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, зақалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй. Тел.: 233-49-31. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001805.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 28 февраль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Паркент тумани, СИБ томонидан, ФИБ Учтепа туманлараро судининг 08.02.2016 йилдаги 1-203/16-сонли ижро ҳужжати асосидан хатланган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 K 594 LA бўлган, "ДАМАС" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 13 400 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воси-

таси бўлиб тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунин (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилиниши охириг мuddати: 2017 йил 24 февраль соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашши истагиди бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжа-

ти рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунин мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44. Гувоҳнома № 004593.

худудларида ҳаво ўзгариб турмайди. Баъзи жойларда қор ёғиб, туман тушиши мумкин. Қор кўчиши ҳавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 25 январь кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши

мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7 даража совуқ, кундузи 4-6 даража илиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво

ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда қор ёғиб, туман тушиши мумкин. Қор кўчиши ҳавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли

худудларида ҳаво ўзгариб турмайди, баъзи жойларда қор ёғиб, туман тушиши мумкин. Қор кўчиши ҳавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон қарори (Адлия вазирлигидан рўйхат рақами 2843-сон, 2016 йил 1 декабрь) билан тасдиқланган иловаларига мувофиқ давлат статистика тизимидаги қуйидаги давлат статистика ҳисобот шакллари:

- 1-mehnat shakli va 1-MSh shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2017 йил 1 февраль кунидан;
- 1-madaniyat shakli, 4-madaniyat shakli va 5-madaniyat shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2017 йил 2 февраль кунидан;
- 6-madaniyat shakli va 7-madaniyat shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2017 йил 6 февраль кунидан;
- 2-invest qurilish shakli, 1-savdo shakli, 1-xizmat shakli, 2-xizmat shakli, 2-xizmat shakliga ilova, 1-kom shakli, 2-kom shakli, 3-kom shakli, 4-kom shakli, 5-kom shakli, 8-kom shakli, 1-transport shakli, 1-AKT shakli va 2-AKT shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2017 йил 15 февраль кунидан;
- 2-qurilish shakli, 3-invest shakli, 1-S shakli, 2-yoqilg'i shakli, 1-elektir shakli, 1-QX shakli, 1-FX shakli, 1-eko shakli, 2-eko shakli, 3-eko shakli, 4-eko-M shakli, 5-eko shakli, 7-eko shakli, 2-turizm shakli, 1-fan shakli, 1-innovatsiya shakli, 2-moliya shakli va 1-notijorat shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2017 йил 16 февраль кунидан;
- 1-bozor shakli 2017 йил 25 февраль ва 1-lizing shakli 2017 йил 27 февраль кунидан;
- Микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) 1-KB shakli, 1-KB shakliga ilova (QM), 1-KB shakliga ilova (TIF), 1-KB shakliga ilova (QX), 1-KB shakliga ilova (eko), 1-KB shakliga ilova (tib), 1-KB shakliga ilova (tur), 1-KB shakliga ilova (kom) va 1-KB shakliga ilova (AKT) йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2017 йил 27 февраль кунидан кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали ҳисоботларни электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали тақдим этишининг юзасидан огоҳлантириб ўта-миз.

eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш мuddатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳисоботларни тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини бошқарманинг www.toshvilstat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси "Чиноз ҳаёти" газетаси муҳаррири Сурайё Аҳмедовага акаси **Миржалол ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳуқуқ таъзия изҳор этади.

Бир йиғилишга жуда шошиб кетаётгандим. Йўл юзидида кўл кўтардим. Оппоз "Ласетти" тўхтади. Пулини келишмасдан ҳам ўтириб олдим. Йўлда кетканмиз, фикру хаёлим мажлисга кечикмасликда эди. Бир оз юргач, радиодан эшитилган сокин мусика тинчлантира бошлади. "Насиб қилган вақтда етиб бораман-да", ўйладим ичимда. Машина ичига разм сола бошладим. Дид билан безатилган, ҳайдовчи йигит тозалликка қаттиқ эътибор бериши кўриниб турарди. Кўзим олд ойнанинг бурчагига қистирилган суратга тушди. Оппоз рўмолдаги юзлари нурли онахоннинг сурати эди.

— Онангизми? — беихтиёр сўрадим.
— Ҳа, — деди йигит.
— Узр-ку, ҳаётимлар?
— Худога шукр, нега қизикдингиз?

— Ҳа, — деди йигит.
— Узр-ку, ҳаётимлар?
— Худога шукр, нега қизикдингиз?
— Ҳа, — деди йигит.
— Узр-ку, ҳаётимлар?
— Худога шукр, нега қизикдингиз?
— Ҳа, — деди йигит.
— Узр-ку, ҳаётимлар?
— Худога шукр, нега қизикдингиз?

Унинг гапларида жон бор эди. "Тўғри", деди-му ўйлаб қолдим: барча тез юрайдиганлар шундай қилса бўларкан.
— Кечирасиз ука, иккинчи сабабини айтмадингиз? — қизикиб сўрадим.

Чоршанба ҳикмати

ҲАММА ЎҚИШИ ШАРТ... ЭМАС



— Иккинчиси ва асосийси — онам доим кўз олдимдалар. Кўчадаги ишлар, ташвишлардан сиқилиб кетсам, уларнинг юзларига қараб, барчасини орқага ташлайман. Онамнинг суратларини кўриб билан кўрсам ҳам барибир қаттиқ соғинаман. Ўйга шошилам. Пешонамдан ўпиб қутиб олишларини тасаввур қилсам, ишларимни аянам тезроқ битиришга уринаман.
— Тез-тез кўнгирак ҳам қилиб турасизми?
— Албатта. Икки соат-

дан ортиқ овозларини эшитмасам, ўзимни кўра-га жой тополмайман.
— Яхши...
Ичимдан эса: "Мақтан-чоқ эканми, ўғеки бошқалар онасини яхши кўрмайди", деган хаёл ўтди. Ўйлай бошладим,

ку, ҳар сафар: "Хўп бўлади", деганда эгилиб кетаяпти, ўғеки онаси қар-шисидида тургандек. Кўзлари эса қувончдан порларди. Худди ёш бола-кай онасига талпинган-даги қувончдек. Фарқи шунда эдики: ёнимда ёш бола эмас, кап-катта йигит ўтирарди. Фақат унда болаликдаги ўша меҳр сақланиб қолганди...

Унга ҳавасим келди. Агар бу йигитни онам кўрганларида эди, унинг онасига ҳаваслари келиши аниқ. Ёки мендан шу йигитчалик эътиборли бўлганим учун қаттиқ ўқинардилар. Негадир ичимдан бир аччиқ нарсга тошиб кела бошладим. Овозим бўғилиб, ҳикматимга мушт бўлиб келиб, тақалди. Манзилга қандай етиб борганимни билмайман. Мажлисда ҳам нинини устидида ўтиргандек бўлдим. Тушлик пайти эса ўйга шошдим, кўлимда онам севган гуллардан гулдаста. Ўйга яқинлашганим сайин кайфиятим кўтарилди бошладим. Мен жуда хурсанд эдим, онамнинг қанчалик севинишларини ўйлаб, юзимда табассум билан эшик кўнги-роғини чалдим.

— Ассалому алайкум, онахон.

— Ваалайкум ассалом, болам. Тинчликми, бу пайтда келмасдингиз-ку? — хавотир олиб сўрадилар.

Орқамда яшириб турган гулдастанни узатдим:
— Сизни соғиниб кетдим...

Баҳром МУҲАММАД.

Bolalik bog'i

ENG YAXSHI SOVG'A

"Onibqa ertalab uyqudan uyg'otib, atirg'ul, lola-yu moy- chechaklardan xushbo'y islar taralib turgan gulzorga shoshildi. Onasi:

— Qizim, yana gulzorga borib oldingmi, kiraqol choyingni ich, maktabingga kech qolasan, — dedi.

— Hozir oyijon, hozir — dedi-yu, gullarga zavq bilan tikilib qoldi...

Bugun sinfdoshi Risolaning tug'ilgan kuni. Dugonasiga eng sara gullardan olib borish niyatida qip-qizil atirgullarni zar qog'ozga chiroyli qilib o'radi. Tayyorlagan sovg'asidan mamnun holda yo'lga chiqqan Madina: "Risola gullarni ko'rib, juda xursand bo'lsa kerak", degan o'y bilan borar, atrof-dagilarni sezmasdi ham.

O'ziga sig'may sinfga kirgan Madina, qizlar qurshovidagi Risolaga: "O'ttoqjon, tug'ilgan kuning bilan!" dediyu, guldestani uzatdi. Ammo, Risola unga parvo qilmay, yuzini teskari burib oldi. O'pchilikdan har xil sovg'a olgan qiz, guldestaga e'tibor bermadi. Bunday munosabatni kutmagan Madina tushkun kayfiyatda joyiga o'tirdi. Ertalabki quvonchidan asar ham qolmagandi. Kun davomida sinfdoshlari uning ustidan kulayotgandek tuyulaverdi. Dars tugab, hamma uyiga ketayotgan vaqtda qizlardan biri uzoqdan chaqirib, unga yetib oldi va: "Madina, dugonajon, qo'y, xafa bo'lma, sening sovg'ang eng chiroyli edi. Risola buni tushungach, albatta, sendan uzr so'raydi. Mana ko'rsan, axir gullardan ham yaxshiroq sovg'a bormikan dunyoda", degancha dugonasining qo'lidan tutdi. Ertasi kuni maktabga borgan Madina dars boshlanganda kitobini ochdi-yu, ko'zi ichidagi xatga tushdi. Xatda shunday o'rtoq yozilgan edi:

— "O'ttoqjon meni kechir, bilmasdan seni xafa qilib qo'ydim. Sen sovg'a qilgan gullarning isi butun uyimizni tutib ketdi. Ularni guldonga solib, xonamga qo'ydim. Bu gullarga qaragan har qanday odamning bahridili ochiladi. Bu men uchun eng yaxshi sovg'a bo'ldi. Seni yaxshi ko'ruvchi dugonang, Risola".

Madina dugonasiga mamnun qarab qo'ydi.

Muborak ISMOILOVA.

Митти ҳикоя

ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ...

Нихоят, узоқ қидирувдан сўнг у излаганини топди. Хароба кулба ичидаги олов ёнида Ҳақиқат ўтирарди. У бунчалик қари ва юзлари буришган кампирни умрида биринчи марта кўриши эди.

— Ҳақиқат сизмисиз?

Қари кампир тантанавор бош

силкиди.

— Сизни узоқ изладим. Сиз ҳақин- гизда бутун дунёга нима дей?

Кампир жавоб берди:

— Уларга мени ёш ва соҳибжамол деб айт!

Инглиз тилидан

Озода ҲАЛИМОВА таржумаси.

Нега шундай деймиз?

ИЧИДАН ПИШГАН

Иборанинг маънолари кўп. Одамларга нисбатан "жуда пишиқ", "муғам- бир", "ишнинг кўзини билмайдиган", "билгани ичиди одам" маъноларини англатади.

Полиэ эканлига таққослайдиган бўлсак, Хоразм қовунлари, лалмида- ги тарвузчалар жуда кўримсиз, хом туюлсада, аслида ичидан пишган ва ширин бўлади.

ЖОН КҮЙДИРМАСАНГ — ЖОНОНА ҚАЙДА

Оғир меҳнатни, кўзда тутилган зарур ишни сидқидилдан, жон-жаҳд билан бажариш, бошлаган ишни, албатта, охирига етказишга қаратилган ибора. Ҳақиқатан ҳам, кўл учидида иш қилиш билан мақсадга эришиш амри- маҳол. "Тоққа чиқмасанг — дўлана қайда", "Хотин олмасанг — қайнона қайда" иборалари билан маъносини тўлдирлади.

ЮРАГИГА ЯҚИН ОЛДИ

Бу ибората асосан иккита, яъни "Ўзига яқин тутди, меҳр-оқибат кўрсат- ди" ҳамда "Бирор ёқимсиз, ғаламислик билан айтилган гапни юрагига яқин олиб, хафа бўлди", деган маъно-мазмун бор.

Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.

Тозаловчи бактерия

Бугунги кунда пластик чиқиндилар- ни йўқотиш масаласи дунё бўйича кат- та муаммолардан бирига айланган. Олимларнинг: "2050 йилга бориб, ум- монлардаги пластик чиқиндилар балиқ- лардан ҳам кўпайиб кетиши мумкин", деган таҳминини илгари сураётганлари масаланинг нақадар жиддий эканини кўрсатади.

Бу асосли таҳмин япон- ларни хаво- тирга солган шекилли, улар бор билимла- рини ана шу муаммага қар- ши курашиш учун сарфлаш- моқда. Исла- нишлар сама- раси ўларок, олимлар пла- стик жисми- ми эмира оладиган янги бактерия турини аниқ- ладилар. Бу билан экологияга зарар ет- ка- заётган пластик чиқиндилар муаммоси ҳал этилиши мумкин.

Тадиқотчиларнинг фикрича, ушбу бак- терия пластикнинг жуда кенг тарқалган тури — полиэтиленеретфалатни тўлиқ йўқ қила олади.

Нишондорларимиз

Санъаткор, аввало, инсон сифатида бошқалар- га ўрнак бўлмоғи керак. Айниқса, актёр. Чунки унинг ролларини миллионлаб кишилар томоша қилади. Агар у ижобий қаҳрамонни ижро этса-ю, ўзида юксак инсоний фазилатлар бўлмаса, томо- шабин олдидаги ҳурмати йўқотади.

Қибрайлик санъаткор, Ўзбекистон халқ арти- с-

— Зухра опа, китобнинг инсон камолидаги аҳамия- тини барча зиёлилар кат- тари чинакам актёрлар ҳам теран англайди. Бугун юр- тимизда китобхонликка юк- сак эътибор қаратиляпти. Бу борада Президентимиз- нинг махсус Фармойиши эълон қилинган каттаю кич- кини беҳад қувонтирди. Сўхбатимизни китобхонлик ҳақидаги фикрларингиздан бошласак.

— Менинг болалигим кўпгина шоир ва ёзув- чиларнинг кутлуг қада- ми теккан муборақ мас- кан — Дўрмонда ўтгани билан фахрланаман. Шунданми, адабиётга, китобга меҳрим ўзгача. Мен ўқиган 6-умумтаъ- лим мактабининг катта- гина кутубхонаси бор эди. Айниқса, ёзги таъ- тил пайтларида устозларимиз бир талай асарларни мустақил ўқишни тайинлардилар. Ҳамма- сини мароқ билан мутулаа қилардим. Дадам ҳам ҳар доим китоб олиб келардилар. Катта- лар: "Китоб ўқиган одамнинг муомаласи, кишиларга муноса- бати ҳалим бўлади, ички мада- нияти шаклланади", дейишган- да бу гапларнинг маъини кўпам тушунамагандим. Лекин эртақлар- ни, Абдулла Қодирий романа- ларини, Чўлпоннинг "Кеча ва кун- дуз"ини ўқиганим феъл-атфо- римга кучли таъсир кўрсатгани- ни бугун яхши англайман. Пи- римкул Қодирийнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довои" кит- тобларини варақлаб, тарихий асарларга ихлосим ортган.

Ишонсизми, Ўлмас Умарбеков- нинг "Одам бўлиш қийин" ро- манини бир кунда ўқиб қўйга- нимни билмай қолганман. Мен- даги бу китобхонлик ҳозир қизимга кўчганини кўриб, ди- лим яйрайди. Зеро, яхши асар- лардаги қаҳрамонлар феъл-ат- ворини, албатта, ўқувчига таъсир этади, ибрат бўлади.

Оилада ота-она китоб ўқиса- гина фарзандлар мутулаа зав- қини ҳис қилиб улғаяди. Пре- зидентимизнинг китобхонлик ҳақидаги Фармойиши ҳамма учун, жамиятимиз ривожига, ўғил- қизларимиз камоли учун ани- мулдоа бўлди. Бундан биз, театр ахли жуда қувондик.

— 1980 йиллардан бўён Ўзбек миллий академик драма театрида фаолият юритиб келасиз. Ижодин- гизнинг катта қисми муста- қиллик йилларига тўғри келди. Ўтган йигирма беш йиллик жараёнларни кўр- ган, унинг ичиди қайнаган ижодкор сифатида нима дея оласиз — истиқлол дав-

ри сизнинг ижодингизда қандай ўзгаришлар ясади?

— Мустақилликдан олдинги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмай- ди. 1985 йил "Келинлар кўзго- лони" спектаклида Дилбар Ик- ромовадан кейин Нигора роли- га тайинланган эдим. Ўша кез- лари чет элдан журналист кела- диган бўлди. У билан бирга Москвадан яна бошқа меҳмон- лар ҳам келишган. Учрашишдан олдин бизга: "Ҳар қандай са- волни бераверманглар, ўйлаб

гапиринглар", деб қайта- қайта тайинлашди. Зайнаб Садриева ҳам, мен ҳам кўрқиб, ҳайқиб, нима де- йишни билмай каловланган- дик. Шукрки, давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг фикр эркинлиги, ижод эркинлигига эришдик. Ди- лингизини ҳайқмай айта- диган замон келди.

1994 йилда Чўлпоннинг "Ерқиной" пьесасини сахналаш- тирдик. Мустақилликдан олдин бунга рухсат берилмаган эди. Шу спектаклда бош қаҳрамон — Ерқиной роли менга топширил- ди. Ундан кейин "Кундузсиз ке- чалар" спектаклида Чўлпоннинг аёли Солиха родини ўйнадим. Шундай қилиб имкониятлари- миз кенгайиб борди. Миллий адабиётимиз, қаҳрамонларимиз талқинига эътибор берилди бош- ланди. "Меҳробдан чаён"да Раъно, "Соҳибқирон"да Биби- хоним, "Юлдузли тунлар"да Хон- зодабегим ролларини ижро қилиш nasib этди...

— Актёр масъулияти ҳамда вазифаси нималар- дан иборат, деб ўйлайсиз?

— Актёр ҳам, аввало, оддий бир инсон. Бошига ҳар хил туш- қунликлар тушади. Фарзанди ка- сал бўлади, ўзининг соғлиги баъзан ёмонлашади ёки уйда бирор нохуш воқеа ўз бериши мумкин. Лекин, томошабиннинг бунда айби йўқ. Шунинг учун ак- тёр сахнага чиқишдан олдин бу- тун фикр-хаёлини ўйнаётган ро- лига қаратиши шарт. Чунки, зал- да йиғилган томошабин сизнинг ижроингиздан баҳра олгани кел- ган.

Саҳнанинг шундай сеҳрли кучи борки, ҳар бир актёр унга чиққанидан кейин касалини ҳам, дардини ҳам, ташвишини ҳам унутиб юборади. Агарки, у

масъулиятни ҳис қилса. Бор эътиборингизни ролга қарат- сангиз, вужудингиз, онгу шу- урингиз, қалбингиз билан қаҳрамон тимсолига кўчсан- гиз, ҳатто танангиздаги ҳар қандай оғриқ ҳам эсдан чиқа- ди. Фақат роль билан яшай- сиз.

— Ролга жиддий қараш деганда нимани назарда тутасиз?

— Баъзи бир актёрлар, ай- ниқса, ёшларимиз кўпинча бу

ҚАЛБИМДА ҚОЛГАН ҚАҲРАМОНЛАРИМ



кичкина роль экан, ўйнаб таш- лайманда, деган сўзларни айти- шади. Бир сафар эртаси спектакл- ни намойиш қилдик. Айни шу спектаклда 39 ёшимда куёнча бўлиб чиққанман, 44 ёшимда Қорқиз родини ўйнаганман. Ле- кин ёшим катта, деб беписанд қарамаганман. Болаларни алдаб бўлмайди. Энг ишонувчан, шу билан бирга, энг зийрак мухлис — болалар. Мана шу оддий кўринган ролларга ҳам жиддий қараб, уларни ишонарли ки- ши ҳақида қилганмиз. Устоз- ларимиздан қолган гап бор: ролнинг катта-кичиги бўлмайди, актёрнинг катта-кичиги бўлади!

— Яхши ролни қандай та- саввур қиласиз?

— Масалан, эпизодик роль ҳам яхши бўлиши мумкин. Икки оғиз сўз билан ҳам томошабин ёнида муҳрланиб қолган актёрлар оз эмас. Мана шуни мен яхши роль деб биламан. Бутун бошли қаҳрамонни ўйнаш мумкин-у, лекин образнинг бирор бир сўзи, хатти-ҳаракати халқнинг эсида қолмаса, бари беҳуда. То- мошабин қалбидан жой ола бил- ган ролгана узоқ яшайди.

— Сизга ҳам ҳаммаша қал- бларда қоладиган роллар nasib этишини тилаймиз. Самимий сўхбатингиз учун раҳмат.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Шоира БОЗОРОВА сўхбатлашди.

Ўт ўчирувчиларнинг орзуси

Кўпчилик ўт ўчирувчиларни қаҳрамонларга қийслашди. Бундан бўён улар ўзларини том маънодаги қаҳрамон сифатида ҳис қилишлари ҳамда ҳимоя- ланган тарзда ишлашлари мум- кин. Бунда уларга сувли реак- тив учир қурилмалари ёрдам беради.

БААнинг Дубай шаҳрида ўт ўчи- риш ходимлари учун шу каби қурилмаларни иш фаолиятига жо- рий қилиш режалаштирилмоқда. Бу тирбандликларда ушланиб қолмас- лик, энг муҳими, ёнғин ҳавода турган ҳолда ўчириш имконини беради.

Ўт ўчирувчи реактив пакетдан фойдаланган ҳолда 30 метр баландликкача кўтари- лиши мумкин. Бунда унинг ёнида етарли микдорда сув бўлиши киёф.

Никоб-кўзойнак

Питтсбургдаги Карнеги-Меллон университети олимлари эгасининг шах- сини яширувчи махсус кўзойнак яратишди.

Маъкур ихтиро юз ифодасини таниш тизими фаолиятини 90 фоиз ҳолатларда "чув тушириш"нинг уйдасидан чиқади. Аксеуар комик кўзойнак кўринишида бўлиб, унда шиша йўқ.

Олимларнинг таъкидлашича, бу ихтиро ёрдамида бошқа одам сифатида намоён бўлиш ёки сўний интеллектдан яшири- ши мумкин.

Симсиз чангютгич

Уй бекалари учун яна бир қулайлик. Уйнингиздаги чангютгичнинг сими узоқ ма- софага етмаяптими? Хонадан хонага ўт- ганингизда уни ёқиб-ўчиришдан чарчадин- гизми? Унда бу кашфиёт айнан сиз учун.

Янги "CordZero Handstick" симсиз чангютгичнинг "Smart Inverter Motor (СБ)" узатма- си юқори даража- даги тортиб олиш кучини таъминлай- ди.

У самолёт дви- гателдан 16 марта- ба тез айланади ҳамда 3D турбовентильторга кучли ҳаво оқимини яратиш имконини бера- ди.

Маъкур қурилма двигатели кучли ҳаво оқи- ми ҳосил қилиб, хонани майда чанглардан анча самарали тозалайди. Чангютгичнинг яхшилан- ган 5 погонали филтёрлар тизими тозалаш ишлари давомида пайдо бўладиган чангин кўпроқ йўқотиш имконини беради. Бундан таш- қари, иккита ечиладиган литий-ионли батарея- лар чангютгичга тўхтамай ишлаш имконини яратади.

Ушбу қурилма телескопга ўхшаш тутқичга эга бўлиб, у хона шифтларининг бурчакларига қадар етиб боради.

Интиқ материаллари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaiqat@umail.uz

Телефонлар:

Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Котибият: 233-90-82, 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-8046.

Адади 15 624.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.